ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2 август, шанба 1997 йил №90 (440)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

ОЛАМ ВА ДАВР КЎЗГУСИ

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» янги китоби дунё юзини кўрганига икки ой бўлмай туриб, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Турли мамлакатларнинг давлат арбоблари, сиёсатдонлари, олимлари, дипломатлари ва оддий кишилари китобда кўтарилган, ўзларини ўйлантирган қатор саволларга аниқ ва ростгўй жавоб топадилар. Улар муаллиф билан бирга ўз халқларининг келажаги ҳақида фикр юритадилар ҳамда биринчи навбатда сайёрамиздаги мустаҳкам тинчлик — бутун давр мобайнида инсониятнинг фаровонлик ва тараққиёт асослари ҳақида орзу қиладилар.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Киевдаги элчихонасига мактуб келди. Унда Украина Миллий Фанлар Академиясининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти директори, академик Юрий Пахомовнинг ушбу китоб юзасидан билдирган мулоҳазалари акс этган.

— Бу китоб ўзига хосдир, — деб бошлайди ўз фикрларини украиналик олим. — У совет даврида анъанавий бўлган шахсий ёдномалар, одатдагидек, тарихий воқеалардан олинган манфаатли шарҳларга ўхшамаган асардир. Биз раҳбарларнинг мамлакат орқали озми-кўпми ўзлари ҳақида гапиришларига кўникиб қолганмиз. Бу китобда эса ўз мамлакати орқали оламни ва даврни кўриш ҳисси яққол сезилиб турибди.

Китобни ўқиш давомида шунга ишонч ҳосил қиласанки, китоб бошқача ёзилганда унинг мазмуни қашшоқлашиб ва торайиб қолиши мумкин эди. Қамрови кенг давр ҳақида фикр юритишни истаган мамлакат ва унинг халқи алламбало нарса эмас, балки инсоният тараққиётида сайёралар йўлларининг кесишуви ва жамланувини англатади.

Китобнинг нафақат мазмуни, балки унинг руҳи ва таъсирчанлиги ҳақида яна қуйидаги таассуротларни айтмоқчиман. Бу мамлакат раҳбарининг улкан шахсий шижоатидир. Китобда МДҲ раҳбарларига анъанавий бўлган миллий-маҳаллий экстремистик гуруҳлар билан хушомадгўйлик қилиш, ҳар қандай сиёсат майдонида (ҳатто АҚШда ҳам) бўлганидек хаёлпараст-фундаменталистик қўрқитувчи кучлар қаршисида «эгилиш» холлари йўқ. Бу кучлар таъсирининг қоқ марказида бўлган мамлакат раҳбарининг ўзини бундай тутиши ҳам оддий ҳол эмас.

Олдиндан айтиб қўймоқчиманки, китобда Марказий Осиё минтақасида фаол ҳаракат олиб бораётган бузғунчи кучларга нисбатан муваффақият билан қаршилик билдирилганлиги тасвирланган, буни эса Ўзбекистоннинг собиқ совет мамлакатларига нисбатан кўрсатган ижобий, амалий собоғисиз амалга ошириб бўлмайди.

Албатта, агар мамлакат раҳбарияти диктаторлик бошқарувини қўллаганида, «сиёсий барқарорлик» сабабларини осонгина тушунса бўларди. Ҳозирги ҳолатда эса «сардор» кемани дадил демократия томон олиб бормоқда.

Муаллиф мамлакат бошқаруви технологиясининг кўп қисмини «кадр ортида» қолдирганига эътибор бермаса ҳам бўлади, чунки китоб бу мавзуни ёритишга мўлжалланмаган. Лекин шу билан бир қаторда аминманки, мамлакат барқарорлигида Президент шахсининг ўрни катта. Барқарорлик унга умид билан боғлиқ обрўни, бирлаштириш маҳорати ва Оллоҳ томонидан бериладиган кўплаб фазилатлар берди.

Иқтисодчи сифатида иқтисодий ислоҳатларнинг «ўзбек модели» тажрибаси менда алоҳида қизиқиш уйғотди. Ишончим комилки, бу ерда ҳамма нарса фавқулодда эмас. Бошқа собиқ совет давлатлари ҳам Ўзбекистон каби иқтисодиётда дунёдаги энг яхши тажрибалардан фойдаланиш, жамиятни кескин табақаланишига йўл қўймаслик, иш бошиданоқ жиддий ўзгаришларни амалга оширишга қарши бўлмас эдилар. Афсуски, уларга бундай амалиёт насиб этмади.

Хулоса шуки, анча машаққатли, лекин муваффақиятли иқтисодий ислоҳатлар йўлини танлаш оддий ихтирочиликнинг маҳсули эмас. Китобда очиқ айтилмаган бўлсада, моделнинг ўзи уни амалга ошириш имконияти каби жамиятни қайта ўзгартириш жараёнидаги улкан ҳаракатларнинг самарасидир, деган хулосага келиш мумкин.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ўз нутқларининг бирида «Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳатлар, бизнинг ҳамма ҳаракатларимиз бир нарсага — одамларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилгандир», — деган эдилар, — дейди Бешариқ туманидаги Рапқан жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Республикада хизмат кўрсатган хўжалик ходими Собиржон Пўлатов.

Хўжаликда асосий даромад пахтачиликдан олиняпти. Утган йили 3677 тонна пахта етиштирилди. Унинг 2207 тоннаси хўжалик ҳисобида қолдирилди. Умумий даромад 140 миллион сўмга етган бўлса, унинг 54 миллион сўми пахтачиликдан келди. Ғалла ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 50 центнердан тўғри келди.

Кейинги йилларда «Рапқан» қишлоғи қиёфаси йилдан-йилга таниб бўлмас даражада ўзгариб кетяпти. Ўтган беш йил давомида консерва тайёрлаш, ёғочни қайта ишлаш, автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш, терини ишлаш, пойабзал, гилам, атлас тўқиш, кийгиз босиш, уй жиҳозлари йиғирув-тўқув, тикувчилик, макарон ва нон цехлари, обжувозлар, тегирмонлар қурилиб, ишга туширилдики, булар Президентимизнинг саноатни қишлоққа олиб кириш ҳақидаги кўрсатмалари ижроси, иқтисодий ислоҳотларнинг рўёбга чиқаётганлиги исботидир. Қишлоқларда қад ростлаган ана шу кичик саноат корхоналарига 550 нафардан зиёд ишчи кучи жалб этилди. Республика Президенти ва ҳукуматининг қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш ҳақидаги қарорлари ҳам бажариляпти.

«Рапқан» жамоа хўжалиги аъзоларининг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги ютуқлари хўжалик раҳбари Собиржон Пўлатовнинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, эртани ўйлаб иш юритиши туфайли қўлга киритиляпти.

— Бундай муваффақиятларга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш туфайли эришяпмиз, — дейди жамоа хўжалиги илғор бригада бошлиғи, Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Ҳасанбой Ортиқов. — Бултур хўжалигимизда пахта ҳосилдорлиги 43,8, бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги 46,2 центнерга етказилди. Бундай юқори кўрсатгичлар меҳнаткаш халқимиз ғайрати туфайли қўлга киритиляпти.

Президентимиз И. Каримов халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятнинг Республика миқёсидаги салоҳияти, фарғоналикларнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эришган ютуқларига катта баҳо берди, шу билан бу соҳадаги кенг кўламли ишларга ҳам батафсил тўхталди. Хўжалик меҳнаткашлари бу вазифаларни амалга ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишяпти.

Аҳмаджон ТУХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Иқтисодиёт хабарлари

АКЦИЯЛАР ЧЕТ ЭЛЛИКЛАРГА СОТИЛАДИ

Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати шу йил охиригача ўзининг 40% акциясини тендер асосида чет эллик инвесторларга сотади.

Республика Давлат мулк комитети мустақил консалтинг компаниялар билан комбинатни 69,766 млрд. сўмга баҳолади. Комбинатнинг қимматини одил ва жаҳон талаблари асосида баҳолаш учун америкалик ва немис экспертлари иштирок этдилар.

* * *

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Тошкентда янги ўзбек-турк қўшма корхонаси «UCD-Интранс» иш бошлади. Бу корхона Асакадаги «УзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларини Россия, Қозоғистон, Украина ва МДҲнинг бошқа мамлакатларига етказиб бериш билан шуғулланади.

Қўшма корхона ихтиёрига Туркиядан оғир юк ташувчи прицепларнинг дастлабки партияси келди. Яқин орада «UCD-Интранс» автопоезди Асака — Москва йўналиши бўйича қатнай бошлайди.

Ушбу қўшма корхона тенг ҳуқуқлилик асосида тузилган бўлиб, ҳар қайси томон лойиха учун 1,8 миллион доллардан сарфладилар. Турк томони 30 та замонавий прицеплар билан таъминлашни ўз зиммасига олди. «Нексия» ортган олтита ана шундай автоприцеплар яқин кунларда Россия бозорлари томон йўл олади. Махсус тайёрланган бундай автоприцеплар ҳар бирига 8 та автомобиль жойлаштирилади. Йўл узоқлиги сабабли автоплатформанинг устини қалин тент билан қопланган.

Ушбу корхона тўла қувват билан ишга тушгач, «УзДЭУавто»нинг ўн минглаб маҳсулотларини қўшни ўлкаларга етказиб беради.



Ғаллаорол консерва ҳиссадорлик жамиятида бу йил 700 тонна томат ишлаб чиқарилади.

Суратларда: (чапдан) Д. Тўйчиева, цех бошлиғи А. Маманов, У. Тўхтамишева. Ўнгда цех бошлиғи А.Файзуллаев ҳамда ишчи Г. Раҳмонова.

Ислоҳот одимлари

ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз Конституциясида «Фуқаровий, ҳуқуқий, демократик ривожланган» давлат қуриш асосий мақсад эканлиги қайд қилинган. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Булар жумласига Республика Президентининг Фармонлари, Ҳукумат Қарорлари, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кунларданоқ асосий эътибор маъмурий буйруқбозликка асосланган эски тизимни йўқ қилиб, ўрнига халқ манфаати учун ишлайдиган, кенг жамоатчиликка таянадиган янги тизимни яратиш устида жиддий фаолият бошлаб юборилди.

Конституциямизда «Давлат ташкилотлари ва уларда ишловчи мансабдор шахслар фақат халқ манфаатини кўзлаб ишлашлари» кўрсатилган. Ўтиш даврининг қийинчиликларини муваффақиятли енгиб мамлакатимизда барқарор тинчлик муҳитини яратишга эришилди. Барқарорлик эса иқтисодий ижтимоий ривожланиш учун энг яхши замин яратди.

Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон Олий Мажлисида инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия, 1996 йил октябрь ойида Республика Президентининг Фармони билан «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази ва Омбудсман бюроси, яъни координатори ташкил қилинди. Бу ташкилотлар халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқи масалаларини мувофиқлаштириш, шу масалаларда ўқув курсларини ташкил қилиш, хабарларни жамлаш, тарқатиш, инсон ҳуқуқларига тегишли илмий тадқиқотларни олиб бориш ишлари билан шуғулланади. Ундан ташқари Тошкент юридик институти қошида инсон ҳуқуқларини ўрганиш ва гуманитар ҳуқуқ маркази ҳам очилди.

Бу марказ ҳам инсон ҳуқуқлари, конституцион ҳуқуқ, демократия ва шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўқув-тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан матбуот эркинлиги тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши демократлаштириш йўлидаги муҳим воқеа бўлди. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти билан демократлаштириш жараёни бир-бири билан узвий боғлиқдир. Демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш ҳуқуқий билимларнинг ошишига қараб олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқий билимлар етарли бўлмаган вазиятда демократлаштиришни жадаллаштириш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Совет давлатининг емирилиши жаҳон сиёсий харитасининг ўзгаришигагина олиб келмай, балки кескин сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Лекин Ўзбекистон қийинчиликларни муваффақиятли енгиб иқтисодий ривожланиш суръатларини ошириш масаласини ҳал қилмоқда.

Мамлакатда ҳукм сураётган барқарорликка қарши бир неча хавф манбалари мавжуд. Республика Президентининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» китобида бу манбалар батафсил ёритилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат: можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоғчилик муносабатлари, экологик муаммолар.

Кўпчилик МДҲ мамлакатларидаги оғир иқтисодий-ижтимоий вазият, айрим мамлакатлардаги инсон ҳуқуқларига ва гуманитар ҳуқуқ меъёрларига эътиборсизлик миллатлараро муносабатларни бирмунча кескинлаштириб юборди. Шу муносабат билан минтақавий ва халқаро хавфсизликни сақлаш долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Жаҳон тажрибасига кўра регионал ва халқаро хавфсизликни таъминлаш концепцияси демократик институтларни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш асосида қурилади. Бу ўз йўлида мамлакатлараро муносабатларни ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқли асосда амалга ошириш ва вазиятни кескин соғломлаштириш чора-тадбирларини кўришни тақозо қилади.

Ўзбекистонда 80дан кўп миллий марказлар ишлаб турибди. Бошқа миллатлар тили, диний эътиқоди, урф-одатлари, маданияти, тарихий қадриятлари ҳурмат қилинади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда миллатлараро зиддиятлар йўқ. Инсон ҳуқуқларини, унинг асосий эркинликларини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифаларидан биридир.

Халқаро ҳамжамият ҳам минтақавий ва халқаро тинчликни сақлашдан манфаатдордир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг жойлардаги ташкилотлари халқаро муносабатларни ривожлантириш, ўзаро техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш, ўқитиш ва илмий изланишлар олиб боришда ҳамкорликни кучайтириш, нодавлат ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш ва бошқа ишларга эътиборни кучайтирмоқда.

Нодавлат ташкилотлари ижтимоий ҳаётнинг кўп соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Тошкент шаҳрининг ўзида 30 дан ортиқ йирик нодавлат ташкилотлари мавжуд. Булар жумласига партиялар, уюшмалар киради. Нодавлат ташкилотлар қаторига шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон Республикаси ёшлар «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» нодавлат халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар «Қизил ярим ой» жамияти ва бошқалар киради.

1997 йил 2 июлда Женева шаҳрида нодавлат ташкилотларнинг халқаро анжумани бўлиб ўтди. Анжуманнинг асосий мақсади нодавлат ташкилотларнинг 2000 йилгача бўлган даврдаги фаолият йўналишини аниқлаб олиш эди. Бу анжуманда 55 давлатдан, 20 халқаро ташкилотлардан ва 141 нодавлат ташкилотлардан вакиллар қатнашдилар.

Нодавлат ташкилотларнинг раҳбар органи сифатида ҳукуматлараро раҳбар гуруҳи ташкил қилинган бўлиб, бу ташкилот нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланар экан. Асосий маърузани раҳбар гуруҳининг аъзоси Серджио Вьейра де Мелло қилди. У ўз маърузасида ҳозирги пайтдаги халқаро вазият, мамлакатлар аро муносабатларнинг ривожланиши, муаммоларга тўхталиб ўтди. Ўзбекистон тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирди. «Биринчидан Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида пешқадамлардан бўлиб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи марказ ташкил қилди ва иккинчидан Ўзбекистон давлатининг Президенти демократлаштириш жараёнини ривожлантириш тадбирларини кенг кўламда амалга оширмоқда»,-деди Серджио Вьейра де Мелло. «Бу тажрибага бошқа мамлакатлар эътибор қаратсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди»,—деди. Нодавлат ташкилотлари ўз фаолиятларини сиёсатлаштирмаслигини, давлат ташкилотларига қарши ҳеч қандай иш олиб бормаслигини, улар давлат ташкилотлари билан биргаликда бир мақсадни кўзлаб ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари лозимлигини уқтирди. Шу билан бирга нодавлат ташкилотлари давлат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатмаса, бундай ташкилотларни жаҳон ҳамжамияти қўлламаслигини ва тан олмаслигини қайд қилди.

Нодавлат ташкилотлари давлат томонидан белгиланган дастурларни, чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ташкилотларига яқиндан кўмаклашиши лозимлигини кўрсатди.

Тошкент жамоат маслаҳат кенгаши таркибига кирувчи нодавлат ташкилотлари ўз фаолиятини жаҳон ҳамжамияти қўллайдиган тарзда олиб боради.

С.САЛИМОВ,
Тошкент шаҳар жамоат маслаҳат кенгашининг раиси.

«Ишонч» мақолалари изидан

«САВДО ХИЗМАТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?»

«Ишонч» газетасининг 28 май 1997 йил сонида чоп этилган «Савдо хизмати талаб даражасидами» сарлавҳали танқидий мақола «Вилоятматлуботсавдо» уюшмасининг барча туман матлуботсавдо бошқарувлари раислари, ишлаб чиқариш, таъминот соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида кенг муҳокама қилинди.

Бешариқ туман матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти аҳолига 5 ойга ажратилган 2671 тонна ун, 241 тонна ўсимлик ёғи, 500 тонна шакар ва 95 тонна совун етказиб берган.

Лекин макарон, гуруч, чой ва туз улушларининг тўлалигича ўзлаштирилмаганлиги, марказлашмаган манбалардан мол келтириш режаси тўла бажарилмаганлиги қаттиқ танқид қилиниб, ўтган ойларга режалаштирилган, лекин келтирилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини кейинги ойлар режасига қўшимча қилиб келтириш вазифаси юклатилди.

Охунбобоев туман матлуботсавдо ҳиссадорлик жамиятининг 1996 йилда аҳоли таъминоти учун ажратилган 8 хил турдаги маҳсулотлардан айниқса ун, ёғ, шакар ва хўжалик совуни улушларини тўла ўзлаштирилмаганлиги танқид қилинганидан тўғри хулоса чиқарган туман матлуботсавдо бошқаруви 1997 йил ўз ишларида ўзгариш қилишга эриша бошлади.

1997 йил 5 ойига ажратилган 2440 тонна ун, 206 тонна ўсимлик ёғи, 317 тонна шакар, 86 тонна хўжалик совуни деярли тўлалигича келтирилиб аҳолига сотилган, лекин гуруч, макарон, чой ва туз улушларини ўзлаштиришда етарли иш олиб бормаганлари кўрсатилиб, ушбу камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари белгиланди.

«Вилоятматлуботсавдо» бошқаруви аҳолини 8 хил турдаги маҳсулотлар билан таъминлашда, дўконларда кундалик эҳтиёж моллари турларини кўпайтириш, дала меҳнаткашларига намунали савдо хизмати кўрсатишни, аҳоли таъминоти учун зарур бўлган, ўзимизда етишмаётган маҳсулотларни четдан келтириш, тизимдаги ишлаб чиқариш қувватларидан тўларок фойдаланиш, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат, салқинлантирувчи ичимлик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари турларини кўпайтириш, дўкон пештахталарини маҳсулотга тўлдириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва амалгаоширишга киришди.

Вилоят ҳокимлиги бу борада олиб борилаётган ишларни доимий назорат остида олиб турибди.

К.САЛОҲИДДИНОВ,
Вилоят ҳокимининг ўринбосари.

Хушхабар

ЧАНОҚЛАР ЖИЛОСИ

Сурхондарёлда плёнка остига экилган ғўзалар оддий усулда экилган ғўзаларга нисбатан анча барвақт ҳосилга кирди. Ғўзаларнинг пастки кўсаклари бодроқдек очилиб, деҳқонларни қувонтирмоқда.

Биз яқинда Қумқўрғон туманидаги Нурмамат Мирзаев номли жамоа-ширкат хўжалигида бўлганимизда ана шундай қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдик.

- Бу йил пахта йиғим-теримини ҳар қачонгидан олдин, яъни 15- августдан бошламоқчимиз,- дейди хўжалик бошқаруви раиси Эсон ака Жўраев.- Бундай дейишимнинг сабаби бор. Яқинда бир гуруҳ махсус комиссия аъзолари далаларимизни айланиб чиқиб, юқоридаги хулосага келишди. Теримга яхши тараддуд кўрганмиз. Гап шундаки, янгиликдан сира қўрқмаслик керак. Келгуси йилда янада кўпроқ майдонларга плёнка остига чигит экамиз.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

⊠ МДҲ ижроия котиби Иван Коротченя баёнотига кўра, Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини октябрь ойида Кишиневда ўтказиш мўлжалланяпти.

⊠ Сўнгги беш йил давомида Афғонистонда дарбадар бўлган тожик қочоқларининг биринчи гуруҳи ватанига қайтиб келди. Тожикистонда ҳукумат қўшинлари ҳамда Бирлашган тожик мухолифатчилари қуролли бўлинмалари ҳарбий асирлари айирбошланди.

⊠ Дастлабки маълумотларга қараганда якшанба куни Ҳиндистонда бўлиб ўтган президент сайловларида 77 ёшли Кочери Романа Нароянан ғалаба қозонган. У Ҳиндистон вице-президенти лавозимини эгаллаб турган эди. Мамлакат Конституциясига мувофиқ президент 5 йиллик муддатга сайланади.

⊠ Югославия иттифоқ парламенти иккала палатасининг қўшма мажлисида 55 ёшли Слободан Милошевич Сербия ва Черногорияни бирлаштирувчи ушбу иттифоқ давлатининг президенти этиб сайланди. У 1989 йилдан бери Сербия президенти лавозимини эгаллаб келаётган эди.

⊠ Россия Бош вазири Виктор Черномирдиннинг Бельгияга ташрифи ниҳоясига етди. У бу ерда Бельгия ҳамда Европа Иттифоқи раҳбарияти билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

⊠ Албаниядан шу мамлакатда бошланган тартибсизликлардан сўнг киритилган халқаро тинчликни сақлаш кучларини олиб чиқиб кетиш бошланди. Бу кучларнинг асосий қисмини Италия аскар ва зобитлари ташкил этади.

⊠ Чехия, Польша ва Венгрия ташқи ишлар вазирлари НАТОга аъзо бўлиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этдилар. Маълумки, Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган НАТОга аъзо давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида ана шу уч мамлакат мазкур ҳарбий блокка аъзо қилиб олиниши тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

⊠ «Толибон» ҳаракатига қарши коалиция вакиллари улар Кобулни қўлга олгунларига қадар ўз ҳукуматлари жойлашадиган қароргоҳ Мозори Шариф шаҳри бўлишини маълум қилдилар.

⊠ Таътилни давом эттираётган Россия Президенти Борис Ельцин Карелиядан Самара яқинидаги «Волга қояси» санаторийсига келди. Бу ерда у яна икки ҳафта давомида дам олади.

⊠ Европа комиссияси 5 давлат — Польша, Венгрия, Чехия, Словения ва Эстонияни Европа Иттифоқига аъзо қилиб олишни тавсия этди. Европа Иттифоқига бундан илгарироқ Кипрни ҳам аъзо қилиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

⊠ Бокуга Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотнинг Тоғли Қорабоғ бўйича Минск гуруҳи ҳамраислари келди. АҚШ, Франция ва Россия вакилларидан иборат бу ҳамраислар Озарбайжон билан Арманистон раҳбарлари билан Тоғли Қорабоғ можаросини ҳал этиш учун музокаралар олиб бордилар.

⊠ Польшада сув тошқини оқибатида ҳалок бўлганлар хотираси учун мотам куни эълон қилинди. Сўнгги маълумотларга қараганда, сурункали жала туфайли Висла ва Одер дарёларининг тошиши 50 нафарга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ҳозирги пайтда Польшанинг 49 та вилоятидан 23 таси сув остида қолган. Мутахассислар мамлакатда ҳали жала яна давом этишини билдирмоқдалар.

⊠ Томск алоқа ҳарбий билим юрти ётоқхонаси номаълум сабабларга кўра қулаб тушиши оқибатида 11 киши ҳалок бўлди, 43 киши жароҳатлар олди.

Жаҳон ахборот агентликларининг материаллари асосида

Хроника

Туман мувофиқлаштирувчи кенгашлари ҳаётидан

ДАВР ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Наманганда хизмат сафарида бўлганимда вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Каримжон Раимжонов билан узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Кўпни кўрган, мулоҳазали, ҳар бир гапини обдон ўйлаб гапирадиган, фалсафага мойиллиги бўлган Каримжон ака билан бўлган суҳбатимиз мазмуни вилоят касаба уюшмалари ҳаёти ҳақида бўлди.

— Кейинги пайтда биз бор имкониятни бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини кучайтиришга қаратяпмиз, — дейди суҳбатдошим. — Вилоятимизда ҳозирда 2867 та бошланғич ташкилотимиз фаолият кўрсатяпти. Шунингдек, касаба фаолларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишга ҳам катта эътибор беряпмиз. Биласизми, айниқса, қишлоқ жойларда қўпчилик бировдан эшитган нарсасини шу нарса ҳақиқатдан ҳам шундай ёки қонуний деб тушунади. Мана шундай ҳолатда касаба етакчиси унга атрофлича тушунча бериб, тўғри йўл кўрсатиб юборишдек салоҳиятга эга бўлиши лозим. Аксарият ҳолларда меҳнаткашлар уларга нисбатан корхона ёки жамоа хўжаликлари маъмуриятлари томонидан нотўғри муносабатда бўлинаётгани ёки бўлмаса молия масаласидаги айрим масалалар билан мурожаат этишади. Мана шунда касаба тизимидаги барча, айниқса, бошланғич ташкилотларнинг етакчилари ўз билимдонликларини намоён этишлари даркор. Агар у масаланинг ечимини тўғри топа билса бошланғич ташкилотнинг ҳам, касаба фаолининг ҳам обруси оддий меҳнаткаш олдида бир неча бор ошади. Мана масалан Наманган шаҳридаги «Нотўқима» ҳиссадорлик жамияти касаба қўмитасининг раиси Мунира Ғаниева ана шундай фаолларимиздан. Лекин бунинг акси бўлсачи... Биз бундайларга ҳар томонлама ёрдам берамиз. Шахсан ўзим раҳбар сифатида бир усулга амал қиламан. Агарда касаба етакчиси ўз ишини пухта билса-ю, лекин вазифасига лоқайдлик билан қараса бундайлардан воз кечишимиз лозим. Бордию касаба фаолида билим, тажриба етишмаса, лекин у шижоат билан изланса бундайларга ўз вақтида ёрдам қўлини чўзиш бурчимиздир.

Гап айланиб келиб, суҳбатимиз мавзуси мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятига кўчди.

— Туман мувофиқлаштирувчи кенгашларининг тузилганлиги айни муддао бўлди, — дейди Каримжон ака. — Чунки ҳар бир тумандаги бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб ёки соддароқ қилиб айтганда бошини қовуштириб турадиган ташкилот зарур. Бу вазифа айнан шу кенгаш чекига тушади.

Ҳозирги пайтда вилоятимизда II та туман мувофиқлаштирувчи кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилик раислари юксак савияли, изланувчан, фидоий инсонлардандир. Доимо меҳнаткашлар орасида бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилишни ўйлашади. Улар билан учрашиб, қилаётган ишлари, ўй-фикрлари билан танишсангиз фойдадан холи бўлмасди. Биз Каримжон ака билан хайрлашиб ташқарига чиқдик.

ТАДБИРКОРЛИКДА ГАП КЎП

Тўрақўрғон туман мувофиқлаштирувчи кенгаши жойлашган мўъжазгина бинога кириб келганимизда вақт пешиндан ўтганди. Ичкаридан истараси иссиққина, ўрта яшар бир аёл чиқиб, ўзини туман касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгашининг раиси Маъсудахон Бегматова дея таништирди. Зинадан тепага кўтарилаётганда вилоят касаба уюшмалари кенгашининг масъул ходими Комилжон Сотиболдиев опага гап қотди:

— Маъсудахон ая, кун иссиқ, иш кўп, биламиз. Бари ишга улгуряпсизларми?

Маъсуда Бегматова бироз кулимсираб:

— Ишни ҳам, иссиқни ҳам кўтаринки кайфият, ҳазил-хузул, ишчанлик билан енгамиз, Комилжон. Мабодо шу хислатларни қўлдан бериб қўйсак иш, иссиқ бизни енгиб қўйиши мумкин.

Унинг жавобини тинглар эканман, ишда ҳам, гапда ҳам бор аёлга ўхшайди, деган фикр хаёлимдан ўтди. Йўқ, янглишмаган эканман. Бироз суҳбатлашгач, бу фикрим ўз тасдиғини топди.

— Мен ўзим деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари туман қўмитасининг раиси бўлиб ишлардим, — дея ҳикоя қилади Маъсудахон. — Мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилгандан буён унга раислик қиляпман. 6 та тармоқ туман касаба уюшмалари қўмиталари бизга бирлашган. Туманда 204 та бошланғич ташкилот бўлиб, шундан 43 таси деҳқончилик саноати мажмуига қарайди. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиляпмиз. Йўқса ишимизда барака бўлмаслигига тушуниб етдик. Ўзингиз билган Криловнинг чўлтон балиқ, қисқичбақа ҳамда оққўш ҳақидаги масалидек. Яна бир ниятимиз бор. Яқинда пленум чақиришни режалаштирганмиз. Унга тумандаги барча раҳбарларни таклиф этамиз. Улар касаба фаолиятини қанчалик кенг ва чуқур тушунишса шунчалик яхши. Шунда жамоа шартномаларининг бажарилиши, соғломлаштириш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш тадбирлари кўнгилдагидек ўтади. Туманда ўтказилаётган барча тадбирларни биз ҳамкорликда ўтказаяпмиз. Лекин туман мувофиқлаштирувчи кенгашининг фаолиятида муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу ҳам бўлса маблағ масаласи. Район тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари имконият даражасида туман мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳисобига маблағ ўтказиб туришганда фақаттина оғизда эмас, амалда ҳам анчагина ишларни амалга оширган бўлардик.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Маъсудахон ким биландир сўзлашаркан унга дона-дона қилиб маслаҳат берди ва бироздан сўнг жамоа хўжалигига бориб муаммони жойнинг ўзида ҳал қилишини билдирди.

Унинг қатъий гап-сўзини тинглаб ўтирган шеригим менга шивирлади:

— Опа зўрда, тадбиркор, тутган жойидан кесадиган раҳбар.

Ҳа, ҳозирги давр тадбиркорликни ёқтиради. Чунки тадбиркорликда гап кўп.

МАҚСАД БИР БЎЛГАЧ...

Поп район деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раисининг ўринбосари Холматжон Мамажоновнинг асли касби журналист. Биз у билан суҳбатлашиб ўтирганимизда эшикдан туман касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси Меҳмонжон Мирзатиллаев кириб келди. Салом-аликдан сўнг Меҳмонжон муддаога кўчди.

— Биласизми, мақсад бир бўлгандан сўнг бирлашиб, баҳамжиҳатликда ишлаш зарур. Шу сабабли райондаги маданият, маориф, давлат муассасалари, тиббиёт, савдо, деҳқончилик саноати ходимлари туман касаба уюшмалари қўмиталари билан тез-тез учрашиб, маслаҳатлашиб турамиз. Шу йили биргалашиб 416 та камтаъминланган оилаларга адресли ёрдам кўрсатдик.

Ҳа албатта. Келишиб, баҳамжиҳат ишлашга нима етсин. Бу болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказишда ҳам қўл келмоқда. Район мувофиқлаштирувчи кенгашига қарашли 3 та болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд. Булар «Узбекистон том ёпқич материаллари» комбинатига қарашли «Офтобча», район деҳқончилик саноати мажмуи ходимларининг хўжаликлараро Абдулла Набиев номли, Наманган «Узэлектротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Электрон» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларидир. Уларда ҳар ойда 730 тадан болалар ҳордиқ чиқаришмоқда. Туман мувофиқлаштирувчи кенгаши оромгоҳларни озиқ-овқат, педагог кадрлар билан таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда. Жамоа хўжаликларидан имтиёзли нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари харид этилмоқда.

Мақсад аниқ бўлгач, биргалашиб ишлаганга нима етсин.

ЁНИБ ИШЛАШ КЕРАК

Янгиқўрғон туман ҳокими Анвар Камолов камтар, очиққина йигит. Биз унинг ҳузурида бўлиб, мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти ҳақидаги фикрини сўрадик. У жилмайиб:

— Кейинги пайтда касаба уюшмалари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя этувчи ягона ташкилот бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам биз бу борадаги барча муаммоларни туман касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши билан ҳал этмоқдамиз. Турли тадбирлар, байрамлар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш дейсизми, меҳнаткашлар ҳамда уларни оила аъзоларини соғломлаштиришда ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқдамиз. Кенгаш раиси ҳам районимиз аҳлини ҳурматини қозонган Муқаддамхон Муродова. Касаба фидойиси, ёниб ишлайдиган инсон.

Ҳақиқатдан ҳам ҳокимнинг айтганича бор экан. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Муқаддамхон Муродова оқ-қорани таниган, зиёли аёл. Кўп йил ишлаб, касаба уюшмасида анчагина тажриба тўплаган.

— Райондаги йиғилиб қолган муаммолар ҳақидаги ҳар бир тармоқ раиси район ҳокими ҳузурига ташриф буюраверса, табиийки бу турли мураккабликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам биз улар билан тез-тез йиғилишиб, тўпланиб қолган муаммоларни таҳлил этамиз. Бу банкдан маблағ масаласида бўлсин, ёки қандайдир тадбир ўтказиш юзасидан бўлсин ўзимиз обдон маслаҳатлашиб оламиз. Кейин бирон-бир муаммо туғилиб қолса мен ҳоким ҳузурига кириб, уни ҳал этиб чиқаман.

Районда мувофиқлаштирувчи кенгаш 1996 йил 5 январда тузилганди. Шундан буён шу тариқа фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар йили район ҳокимияти ҳамда район касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши ўртасида битим тузиляпти.

— Ишларимиз яхши кетяпти, — дейди суҳбат давомида Муқаддамхон, — лекин кенгаш тўғрисида, аниқроғи унинг фаолиятини яхшилаш борасида айрим таклифларим бор. Шу пайттача район мувофиқлаштирувчи кенгаши раисининг аниқ вазифалари тўғрисида услубий қўлланма йўқ. Бунинг устига район касаба уюшма тармоқ қўмиталари мувофиқлаштирувчи кенгаш раисини раҳбар сифатида тан олишлари лозим. Шунда бизнинг ваколатимиз ошиб, фаолиятимиз унумли кечади.

Шу пайт опанинг муовини Исмоилжон Фозилов уни жамоа хўжалигидан сўрашаётганини айтди.

— Узр меҳмон. Ҳозир айни ғалла ўрим-йиғим вақти. Биз туман раҳбарлари турли жамоа хўжаликларига бириктирилганмиз. Насиб этса кечқурун учрашамиз.

Опа шундай дея чиқиб кетди. Ҳа, ҳозирги пайтда ҳар бир маъсул ходим, хоҳ раҳбарми, хоҳ касаба уюшмаси ходимими, ёниб ишламоғи лозим. Йўқса бирор яхши натижага эришиш қийин.

Неъмат РАФИҚОВ

Ислоҳот ва иш услуби

БИРЛИГИМИЗ — ҚУДРАТИМИЗ

Мақсадга эришиш учун фақат яхши ният ёки ғоя мавжудлигининг ўзи камлик қилади. Аввало фидойилик, ҳалол меҳнат, жамоанинг аҳиллиги ва ташкилотчилик муҳим ўрин тутади. Пайариқ туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалигида бўлганимизда ана шундай уйғунликни ҳис этдик. Кучада бекорчи юрган кишиларни ҳам, турли талаблар билан раиснинг йўлини ёки эшигини пойлаганларни ҳам кўрмадик. Жамоа хўжалиги раҳбари Мамарайим Қўйланов билан суҳбатда бунинг боиси тушунарли бўлди.

— Ҳар йили ҳам деҳқонларимиз сидқидилдан меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришиб келишмоқда, — дейди раис М. Қўйланов, — бу йил янада муваффақиятли бўлишидан умидвормиз. Дастлабки натижалар ишончимизни янада мустаҳкамламоқда. Чунки суғориладиган 250 гектар ғалла майдонидан 870 тонна дон олинди. Давлатга 592 тонна ўрнига 600 тоннадан зиёд буғдой сотилди. Келгуси йил учун 60 тонна уруғлик ҳам жамғариб қўйдик. Ғалла ўрими 7 иш кунида якунланди.

Хўш, бунга қандай эришдик? Энг аввало ислоҳот талабларини ва технологик талабларни бажаришни қатъий қилиб қўйдик. Шунингдек, мавсум арафасида касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда махсус тадбирлар туздик. Ғалла етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган звеноларга, бригадалар, интизомни бузмаган ва унумли меҳнат қилган деҳқонлар қай тариқа рағбатлантирилишини йиғилишларда ошкора эълон қилдик. Ғалла майдонидаги бошоқ терилган ёки экин пайҳон қилинган бўлса жамоа бошлиғини жавобгарликка тортишни, аъзоларини эса, натижадан қатъий назар, мукофотдан маҳрум этилишини шарт қилиб қўйдик. Етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай ўриб олиш борасида комбайнчиларнинг ҳам масъулияти оширилди. Агар ҳосилдорлик 36 центнердан ошса, ўрилган ҳар бир гектар ҳисобига комбайнчига қўшимча 7 килограммдан буғдой беришга қарор қилинди. Ҳосил ортилган ташув воситалари хўжаликнинг ўзида 2 марта тарозидан ўтказилди. Бу йўлда содир этилиши мумкин бўлган қийғирликларнинг олдини олди. Шунинг учун хўжалигимизда ғалла нобудгарчилигига ва талон-тарожга қарши кураш ишларига ҳар йилгидек ички ишлар бўлимининг ўнлаб ходимлари жалб этилмоқда. Жавобгарлик даражасини ҳис этган ва манфаатдор бўлишни билган деҳқонларнинг ўзлари ҳалол йўлни тутдилар. Хуллас, пировардида айрим звеноларда 60—75 центнердан буғдой олинди.

Масалан, Ҳасан Қамбаров, Абдуалим Мингбоев, Орол Қаршиев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 39—40 центнерни, Шаҳоб Шукуров, Ҳ. Қамбаров звеносида 55-60 центнер, Умрзоқ Худойбердиев, Фотима Имомова звеноларида 72—75 центнерни ташкил этди. Бу жуда юқори кўрсаткич ва айни пайтда иш тўғри йўлга қўйилганлигининг натижасидир. Қисқаси, ҳозирги вақтинчалик қийинчиликлар даврида ҳар хил етишмовчиликларни баҳона қилмай одамларни руҳлантириш, даъват қилиш, рағбатлантириш керак. Бунинг учун касаба уюшма ташкилотининг имкониятидан, ёрдамидан фойдаланиш, деҳқоннинг ижтимоий масалаларини ҳал этишга қўмаклашиш талаб этилади, холос.

Р. ҚУРБОНОВ ёзиб олди.

ИМТИЁЗ

Жиззах вилоятининг Дустлик туман ҳокими худудидаги барча болалар боғчаларини бепул қилиш бўйича фармойиш қабул қилди. Фарзандлари боғчага қатнаётган ота-оналар эндиликда ойлик бадал тўлашдан озод бўлдилар.

Соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш, оила бюджетини барқарорлаштириш борасидаги бундай ғамхўрликдан ота-оналар беҳад миннатдор.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ, «Ишонч» мухбири.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Узбекистон Республикаси давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси қошида ташкил этилган «Уқув услубий ва маслаҳат маркази»нинг семинар ўқуви бўлиб ўтди.

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг масъул ходими Н.Ефимованинг «Янги меҳнат қонунчилиги», Тошкент шаҳар суди ҳайъатининг аъзоси, судья Ф.Хусанованинг «Меҳнат низоларини судда ҳал этилиши» мавзусидаги чиқишлари ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Р. НЕЪМАТОВ

Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалиги далаларида иш қизғин.

Суратларда: хўжалик бошқарувининг раиси М. Султонқулов, биринчи бригада бошлиғи М. Ҳасанов ва ишчи Н. Қорабоев билан пахта пайкалларини кузатмоқда.

Д. АҲМАД олган сурат.

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

Узбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш ва уни ривожлантириш борасида, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш, уларни барча вилоятларда тўлақонли бажарилишини таъминлаш мақсадида РКМБ ва унинг филиаллари сидқидилдан хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

РКМБнинг 1997 йилги иш режасига мувофиқ биржанинг биринчи ярим йиллиғидаги фаолияти Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилган топшириқларга кўра, давлатга қарашли кўчмас мулк объектлари, автотранспорт ва ер майдонларини (умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан) ва бошқа мулкни мужжалдаги ҳажмларда сотишга қаратилган эди.

Ўтган даврда РКМБ тизимида 670 та савдолар, шу жумладан 399 та кимошди, 4 та танлов ва 267 та биржа савдоси ўтказилди.

Ҳисобот даврида энг кўп кимошди савдоси Фарғона (63), Сирдарё (37), Андижон (33) ва Бухоро (29) филиалларида бўлиб ўтди.

Қашқадарё филиалида 2 та, Навоий ва Тошкент шаҳар филиалларида 1 тадан танловлар ўтказилди.

Андижон (33), Фарғона (30), Тошкент (25), Самарқанд (24) вилоятлари филиалларида энг кўп биржа савдолари бўлиб ўтди.

Кимошди, танлов ва биржа савдолари орқали 8083 объект 1044718 минг сўмга сотилди, бу эса йиллик топшириқнинг миқдор жиҳатдан 119 фоизини ва пул ҳисобида 133 фоизини ташкил қилади.

Шунингдек, 5849 та давлат объекти сотилди, бу эса сотилган объектлар умумий сонининг (8083) 73 фоизи бўлиб, қиймати 430884,91 минг сўмни ташкил этди.

Давлат объектлари барча сотилган объектларнинг (пул ҳисобида) 42 фоизини ташкил қилади. Бунда яна шуни ҳам қайд қилиб ўтиш ўринлики, РКМБ ва унинг филиаллари топшириқларни нодавлат кўчмас мулк объектларини сотиш ҳисобига, шунингдек бутун йилга режалаштирилган йирик давлат объектларини сотиш ҳисобига ортиғи билан бажардилар. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор топшириқларига биноан 291 та қурилиши тугалланмаган объект 157795 минг сўмга сотилди, бу йиллик топшириқнинг 59 фоизини ташкил қилади.

Республика Кўчмас мулк биржаси тугалланмаган қурилиш объектлари, автотранспорт, тугатилаётган корхоналар ва банкрот корхоналарнинг асбоб-ускуналари ҳамда мулкини сотиш бўйича мунтазам равишда аукционлар ва танловлар уюштириб бормоқда.

РКМБ тизимида брокерлик идоралари сони 205 дан 242 тагача ортди, брокерларнинг сони эса 385 кишига етди. Тошкент вилояти филиалида 7 та, Сурхондарё филиалида 6 та, Навоий филиалида 4 та, Сирдарё филиалида 3 та, Самарқанд ва Хоразм вилояти филиалларида эса 2 тадан янги брокерлик идоралари қайд этилди.

1997 йилнинг I ярим йиллигида 267 та биржа савдолари ўтказилди, уларнинг 256 таси филиалларда бўлиб ўтди. Ҳаммаси бўлиб жами 5090I5 минг сўмлик 1300 та битим тузилди, шу жумладан филиалларда 1289 та битим тузилди. Биржа савдоларида сотилган объектларнинг 115 таси давлат мулки бўлиб, 50711,64 минг сўмга сотилди, бу эса жами сотувдан тушган пулнинг 10 фоизини ташкил қилди.

Нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг аризалари бўйича тузилган битимлардан тушган пул 458304,0 минг сўмни ёки биржа савдолари умумий ҳажмининг 90 фоизини ташкил қилди.

Республика минтақаларида биржа савдоларини фаоллаштириш мақсадида бугунга қадар Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш миллий марказида «Кўчмас мулкни сотиш масалалари» курси бўйича ана шу минтақалардан 12та вакил таҳсил олди. Брокерлик ишини ўрганаётганлар сонининг бу қадар камлиги табиийки РКМБ филиалларини қаноатлантирмайди. Шу сабабли РКМБ 1997 йилнинг иккинчи ярмида минтақаларда брокерларни ўқитиш курслари очишни режалаштирмоқда.

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят филиалларида 1997 йилнинг ўтган даври мобайнида биржа савдоларига хорижий сармояларни жалб қилиш борасида йил бошида ишлаб чиқилган Мақсадли дастурга асосан иш олиб борилди.

РКМБда етарли маблағга эга сармоядорларга биржа савдоларига қўйилаётган мулкларни сотиш борасида оммавий ахборот воситалари билан ишлаш, элчихоналар билан турли алоқалар, қўшма корхоналар ва хорижий фирмалар ваколатхоналари билан алоқалар бўйича иш олиб борилаётир.

Мамлакатимизнинг Кўчмас мулк бозорига хорижий сармояларни иложи борича кўпроқ жалб қилиш мақсадида республика ва вилоят матбуоти орқали мунтазам равишда савдоларга қўйилаётган мулклар реклама қилинмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг Узбекистондаги элчихоналари, йирик фирма ва компаниялари ваколатхоналари биржа буклетлари ва проспектлари, листинглари орқали Узбекистон кўчмас мулк бозори билан таништириб борилмоқда. Туркия, АҚШ, Покистон элчихоналари, «УзБАТ», «Демир» каби фирмалар билан алоқалар ўрнатилди.

Ўтган давр мобайнида биржа савдолари орқали чет элликларга мулкларни сотиш тартиби ҳақидаги ҳужжатлар тўплами, савдога қўйилган иншоотлар листинги инглиз тилига таржима қилинди ва хорижликларга доимий равишда тарқатилди.

Ўтган даврда РКМБ орқали 19 та объект 157 млн.141 минг сўмга хорижий сармоядорларга сотилди.

Ушбу йилнинг ўтган даврида РКМБда республика кўчмас мулк бозорининг меъёрий-ҳуқуқий базасини мукаммаллаштириш бўйича бир қанча муаммоли масалалар ва уларни ечиш йўлларини ўз ичига олган тадбирлар мажмуаси тайёрланди ва Давлат мулк қўмитаси мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

Иккинчи ярим йилликда РКМБ фаолиятида банкрот корхоналарни сотиш, хўжалик судларининг қарорларига мувофиқ қарзларини вақтида тўламаган қарздор корхоналар мулкини сотиш, биржа савдоларига чет эллик сармоядорларни жалб қилиш устивор аҳамиятга эга бўлади.

Республика Кўчмас Мулк биржасининг вазифаси ва бирдан-бир мақсади республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларда фаоллик билан қатнашишдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида халқимиз ҳаётини фаровон этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Т.МОМБАЕВ, Жамлама-таҳлил Бошқармаси Бошлиғи.

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛМАСИН

Иқтисодиётни мустаҳкамлаш, ички бозорни ҳимоя қилишда солиқ тизими ходимлари зиммасига ҳам қийин, ҳам шарафли вазифа юклатилган. Қашкадарё вилоят солиқ бошқармаси, шаҳар ва туман инспекцияси ходимлари мустақил мамлакатимиз хазинасини барқарорлаштириш соҳасидаги бу маъсулиятни англаб иш тутмоқдалар.

Вилоят солиқ бошқармаси махсус тафтиш ва назорат бўлимининг бош суриштирувчиси Камол Абраев билан ўтказилган мулоқот ана шу ҳақда.

— Солиқчиларнинг фаолияти савола иш. Хўш, айтинг, бутун умидини бюджетга боғлаган ташкилотлар-мактаблар, касалхоналар, ижтимоий таъминот муассасалари, қариялар уйлари, етимхоналар... мушкулини осон қилиш савоб эмасми? Қонунлар бузилишининг олдини олиш, адолат ва ҳақиқат учун курашиш, қонунбузарларни жиловлашдан кўра савоб иш борми?

— Бизнинг зиммамизга фуқаролар ўртасида солиқ қонунчилигини кенг тарғиб этиш ва такомиллаштириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни қонуний, адолатли ҳал этиш вазифаси юклатилган.

1997 йилнинг олти ойи давомида биз томонимиздан 45 та жиноят иши қузатилиб, тергов органларига юборилди. Улардан 21 таси ижросини топди ва суд томонидан тегишли чоралар кўрилди. Қолган ҳужжатлар бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаяти.

«Қарши-30» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишда корхона даромадларидан 566800 сўм, Муборак туманидаги «Марҳабо» умумий овқатланиш корхонасида фойда солигидан 1262000 сўм яширилганлиги аниқланди. Ҳар иккала иш юзасидан тўпланган ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун маъмурий органларга юборилди.

Айрим корхона раҳбарлари ва савдо ходимлари ўз балоинафсларини ўйлаб, «қийғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқиши»ни унутиб, нопок йўлларга кириб кетаётирлар. У. Юсупов туманидаги «Жейнов» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг дукон мудири Ҳазрат Худойбердиев 83812 сўмлик давлат мулкини ўзлаштирганлиги сабабли тўрт йил, Нишон туманидаги «Ойдин» ҳиссадорлик жамиятининг дукон мудири Отамурод Бухоров аҳолига савдо хизмати кўрсатиш қоидаларини такрор бузганлиги, Қамаши туманидаги «Орзу» жамоа корхонаси бошлиғи Акром Тошев эса 20290 сўм камомадга йўл қўйганлиги учун икки йил озодликдан маҳрум этилдилар. Улар инсоф юзасидан иш тутиб, оқибатни ўйлаганларида шундай кулфатга қолмас эдилар.

— Менимча, сизлар аниқланган қонунбузарликларнинг айримларинигина охирги нуқтага олиб бориб айблов эълон қиласизлар. Аммо, аксарият ҳужжатлар қонуний бир тўхтамга келиш учун ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органларга юборилади ва улар томонидан якун қилинади. Шундай эмасми?

— Тўғри, шу йилнинг ўтган олти ойи давомида маъмурий органларга қонуний бир тўхтамга келишлик учун 80 та ҳужжат юборилди. Улардан 56 таси юзасидан жиноят иши қузғатилди. 45 таси бўйича тергов ишлари якунланиб, суд томонидан тегишли жазолар берилди. 2 та жиноят иши бекор қилинди, 8 та ҳужжат айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги учун солиқ идораларига қайтарилди.

— Ҳақиқатдан ҳам шундайми ёки бунинг бошқа сабаблари ҳам борми?

— Бу саволингизга ҳам «Ҳа», ҳам «йўқ» деб жавоб бериш мумкин.

— Буни қандай тушунмоқ керак?

— Айрим ҳолларда солиқ мутахассислари томонидан малака етишмаслиги сабабли масалалар синчиклаб ўрганилмасдан, хатолар тўлиқ асосланмайди. Баъзи ҳолларда тўпланган ҳужжатларда жиноят аломатлари равшан кўриниб турсада, улар ҳар жиҳатдан пухта ўрганилмасдан «қасддан жиноят содир этилмаган» деган хулосага келиниб, жиноий иш қузғатилмайди. Деҳқонобод туман аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш корхонаси, Қарши туманидаги «Соҳиб» савдо маркази, Шаҳрисабз туманидаги «Ҳунарманд» кичик корхонаси, Косонлик фуқаролар Фарҳод Исомов, Тоҳир Исомовларга нисбатан тайёрланган ҳужжатлар етарли ва қўшимча исботнинг ҳожати бўлмасада, улар ҳеч қандай жазога тортилмадилар. Бунинг натижасида аввало адолат мезони бузилаётган бўлса, иккинчидан давлат бюджети анча зарар кўраётир.

— Айрим ташкилотларда бўлсангиз, тадбиркорлар билан суҳбатлашсангиз текширишларнинг ниҳоятда кўпайиб кетганлигидан, бу ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатаётганлигидан нолишади. Бу соҳада ҳам меъёр бўлиши керак, деб ҳисоблаймайсизми?

— Ҳар бир ишда меъёр зарур. Ана шунинг учун ҳам Узбекистон Республикаси Президенти 1996 йил август ойида «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» фармон қабул қилди. Ана шунга асосан вилоят давлат солиқ бошқармасида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилди ва у ўзининг илк самараларини бермоқда. 1997 йил режасига асосан 5276 корхона, шаҳар ва туман солиқ инспекциялари, 134 ташкилот вилоят солиқ бошқармаси томонидан, 41 муассаса эса Республика давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда текширилиши лозим. Демак, текширишларда қатъий тартиб ўрнатилади.

1997 йилда вилоят солиқ ташкилотлари зиммасига 25 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ тушириш вазифаси юклатилган. Бу енгил иш эмас. Йўлда қанчадан-қанча қийинчиликлар, муаммоларни енгишга, қонунбузарлик ҳолатларига қарши курашишга тўғри келади. Биз барча маъмурий органлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, адолат мезонининг бузилишига йўл қўймаймиз.

СУҲБАТДОШ Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ.

НАФС БАЛОСИ ЁХУД ПИР ҲАҚҚИ

Бир куни «орифлар султони» машҳур шайх Абу Язид Бастоний (раҳматуллоҳи алайҳи)нинг олдиларига муридларидан бири келиб: — Эй пири комил! Муриднинг пирда ва пирнинг муридда нима ҳаққи бор? — деб савол қилди. Шайх бир оз ўйлаб туриб:

— Эй мурид! Сен мендан зўр саволга жавоб сўрадинг. Менинг бир юмушим бор. Аввал ўшани бажариб кел. То сен келгунча мен саволингга жавоб топиб қўяман, — дедилар. Мурид рози бўлди. Абу Язид Бастомий Нишопур шаҳрининг подшоси Султон Маҳмудга мактуб ёзиб, шогирдига берди. Мурид етмиш тош йўл босиб, Нишопур шаҳрига етди.

Хатни Султон Маҳмудга топширди. Султон хатни кўзларига суртиб, муридни зиёфат қилишга амр қилди. Соҳибжамол қизни унинг хизматига берди. Чўри қиз кириб сўради: — Эй меҳмон, нима пиширай. Кўнглингиз нима тусайди?

Мурид: — Бир атала пиширгил. Йўлдаги чангу ғуборларни тозалаб, юрагимни андак мулойим қилса, — деди. Чўри аталага ўт ёқа бошлади.

Унинг қора сочи-ю, ойдек жамолига ошуфта бўлган муриднинг кўнглига шаҳват ўтини ёқди: эшикни беркитиб келди ва аста қизга қўлини чўзди. Шу заҳотиёқ девор ёрилиб, унинг хитоб қилиб: — Эй мурид! Шайтони лаъиннинг васвасасини қабул қилмагилки, зино ҳаромдир. Зулайҳо билан Юсуфдек огоҳлик билан муомала қил ва Оллоҳу таолодин ғофил бўлмагил! — дедилар. Мурид шайхнинг бу кароматини кўриб, ҳушига келди ва йиғлаб Султон Маҳмуддан кетишга рухсат сўради. Ночор Султон рухсат берди. Мурид тезда пирнинг хизматига қайтди.

Шайх сўради: — Эҳ мурид! Мендан сўраган саволингнинг жавоби фаҳмингга етдими?

— Ҳа, етди, — деди шогирд юз хижолат билан яна сўзида давом этди, — пирнинг муриддаги ҳаққи шуки, пир унга нима хизмат буюрса, сидқидилдан бажариш, муриднинг пирдаги ҳаққи шуки, агар мурид ғофил бўлиб, нафсининг хоҳишига ва шайтоннинг макрига фирифта (асир) бўлса, пир дарҳол уни огоҳ қилиб, хато йўлдан савоб йўлига қайтариш.

Қиссадан ҳисса шуки, Тангри таоло ҳамиша дилимизни пок, иймонимизни мустаҳкам ва нафсимизни забун айласин!

М.ХОЛМУРОДОВА тайёрлади.

ЮРАККА ЙЎЛ

Тунлар кунлар бергин менга азоб ғам,
Шу кунлар жуда ҳам ғам талаб бўлдим.
Қуйманг кабир имлаб чорласа лошим.
Мен бугун ҳар галдан бошқача ўлдим...

Жавоҳирнинг мана уч кун бўлибдику Нилуфардан мактуб олганига. Ҳар куни қайта-қайта мутолаа қилса ҳам, жавоб ёзишга киришдим деганча, юрагида бор тугиб қўйган гапларни қаламга туширишга ожизлик қиларди. Тўғрироғи қайта-қайта ёзарди-ю, йиртиб ташларди. Мактубнинг ҳар бир сатри ёд бўлиб кетган бўлса ҳам, ёлғиз қолди дегунча, унга тикилиб, узоқ-узоқларга хаёллари узра қанот қоқиб учгиси келарди-ю, энди учишни машқ қилаётган полопон сингари қайтиб ерга тушиб, азоб чекарди. Бу азобни унга тақдир аталмиш аччиқ ҳақиқат бир умрга йўлдош қилганди. У бундан сира нолимаса ҳам гоҳида, бу ҳаётда ортиқчалигини сезиб қоларди. Ҳа, у ўз тақдирини ўз қўли билан яратган эди. У яна мактуб билан дардлашмоқ истагида унга тикилди:

«Салом, Жавоҳир ака!

Негадир сизга мактуб ёзяпману, кўнглимда ўқтин бир оғриқ ҳукмронлик қилмоқда. Бу ўқтин оғриқ, қанчалик юрагимга санчилмасин, майин бир оғриқ бўлиб у менга хуш ёқади. Чунки у оғриқни, сиз менга ўша биринчи бор тўқнаш келганимиздаёқ, ўша Салом Ой қиз дея, ўткир нигоҳингиз ила бир умрга муҳрлагансиз. У менга сизни эслатади, гар у менга азоб бериб кўзларимдан ёш оқизсаям. Ҳа Жавоҳир ака, сиз уни қалбимга солдингизу, ўзингиз, бир-икки кўриниш бериб, тўйингизга айтиб кетдингиз. Ўша вақтлар ўлимимга ҳам рози бўлиб яшадим, негадир сизни уйланганингизга ишонгим келмасди, гар у аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам. Наҳот сиз...

Йўқ-йўқ, менда кўнглингиз борлигини дилингиз, кўзингиз маълум қилиб турарди. Мен сизни ҳар гал уйимизга акамнинг олдига келишингизни қанчалик интизорлик билан кутмай, нигоҳингиз билан қарама-қарши келишдан қўрқардим. Бир маротаба чой олиб кирганимда, ўша нигоҳингиздан чойнакни тушириб юборганман. Ҳа, уйдагиларимнинг ҳам бундан хабарлари йўқ эмасди, онам ҳам сизни куёв қиламан дея, дугонам Гулсаранинг онаси билан қилган гурунгини эшитиб, шу куни ўзимда йўқ учиб юрдим, қувончларим, соф севгимиз узоққа чўзилмади. Нималар қилиб қўйдингиз? Эҳ, қани энди улар ҳам бизни тушунишса. Ҳатто, яқин дўстингиз акам ҳам тушунмади. Наҳот мени бошқага узатишсалар? Айбим нима эди, қиз бўлиб, ёлғиз қиз бўлиб туғилганимми? Наҳот тақдирим шу бўлса, мен ҳам одамман-ку, нега улар ҳукмронлигини ўтказишади?..»

Жавоҳир бу мактуб ёд бўлса-да, негадир бугун унинг давомини ўқий олмай, кўзларига биринчи бор ёш қалқиб дераза ёнига бориб, дераза тирқишини очиб юборди. Уйга совуқ ҳаво бостириб кириб, хона узра ўз таъсирини ўтказа бошлади, ташқарида эса майин ёмғир майдалаб тушиб турибди. Қуриган мажнунтол тагига - сув йиғилибди, бу қуриган мажнунтолнинг бир-икки шохи тагидан кўк барглар чиқа бошлабди. Бу манзара унга ёқмадими, негадир Жавоҳир деразани тез ёпиб, жойига ўтириб, яна мактуб бита бошлади. Аввалига бир икки қоғоз увол бўлгач, кўнгилдаги бори қоғоз юзини кўра бошлади.

«Салом Нилуфар!

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, инсон чумоли каби ер билан осмон ўртасида чирпирак бўлиб айланиши ҳеч гап эмас.

Мен ҳам, қолаверса сен ҳам, шундай ҳаёти, тақдири чархпалак бўлиб бу чархи кажрафторида, сомон каби бўлиб қолган ожиз бандалармиз. Азалдан ҳар банданинг ўз пешонасига ёзилгани бўлади. Мана шу битикни менинг пешонамга Аллоҳнинг битганлари ўзингга маълум. Мана шу битикни инсон қай даражада бўлса-да ўзи ҳам ўз қўли билан яратар экан. Мен тақдиримни ўз қўлим билан яратганман. Мен шуни истардимки, сен ўз тақдирингни ўзинг яратмоқчи экансан, бу йўлда адашмагин дейман. Кўнгил-кўнгилдан сув ичиб яшар экан, бирга яшашнинг ҳеч хожати йўқ. Ҳаётда шундай тақдирлар борки, битта уйда яшасалар ҳам кўнгиллари бари бир ўзгаларда бўлиши мумкин, ёки унинг акси. Мен бу дунёда кўнгил учун яшаб ўрганганман, демоқчиманки, кўнгил бандасиман, сен ўзинг учун бир ўйлаб кўр: мени танлаб тўғри қилдинг-ми? Биз қачонлардир бирга бўлдик ҳам дейлик, лекин ота-онанг, акаларинг тутган йўл, қилган беоқибатликлари юрагимдан, у дунё-бу дунё кетмайди, кечирмайман. Агар иккимизнинг муносабатимизда, менинг заррача айбим бўлса ота-онангдан узр сўраган бўлардим. Мени танлашга сени мажбур қилганим йўқ. Ваҳолангки, менинг ҳаётим сенга беш қўлдай маълум эди, уйланган эдим, болам бор эди. Мен сени ёқтирган бўлсам, соф беғубор кўнглим билан ёқтирган эдим. Бундан кейин мендаги шу туйғу юрагимда қоладими-йўқми вақт кўрсатади. Бу билан мен айтмоқчиманки, кўнглимиз яқин бўлса-да ижтимоий ҳолатларимиз тўғри келмаслигини сенга бир неча бор тушунтирганман. Отангга ёзган мактубимда бор ҳақиқатни ёзганман, яъни сен ҳеч қачон тушунтира олмаганлигинг ва бу билан ожиз қолганинг менга ўзимнинг ҳақ эканлигимни англатди. Вақт ўтган сайин менга бўлган шу туйғуинг чин бўлса бора-бора меҳр-оқибатга айланади, шу дунёда яшаганимиз каби қачонлардир шу меҳр-оқибат бир оғир кунимизга ярар, шу каби сенга бўлган акалик меҳрим ҳеч қачон ёмонлик истамайди, аксинча яхшилик уруғини сочади, бад ишлардан сақлайди. Хулоса қиладиган бўлсам, ақл-хуш билан иш кўришингни, келажакдаги бахтингни ўзинг боғламаслигингни маслаҳат бераман. Ота-онанг, акаларинг ёлғиз қиз бўлганлигинг учун ҳам сен орқали ўз орзу-ҳавасларига эришсин. Сенга бошқа мактуб ёзиб безовта қилмоқчи эмасман, мактубингни йиртиб ташлаёлмадим. Сен ҳам бошқа мактуб ёзиб ўзингни қийнаб ўтирма»

Жавоҳир мактубни буклаб конвертга солар экан, уни яна майда-майда қилиб ўзини ерга отди, унинг бугун тани ўқтин-ўқтин қалтирар, лекин йиғлагани сезилмасди, ташқарида ёмғир ўз кучини табиатга ўтказарди.

Улуғбек Мирзо АҲРОР.

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан

САФАР БАРНОЕВ

КИЧКИНА ХЎЖА НАСРИДДИН

Ўн ҳикоядан иборат бу асар орқали ўтган кунлар шаклини чизишга ҳаракат қилдим. Баҳона «Кичкина Хўжа Насриддин»нинг дунёга келиши. Катта Хўжа Насриддин эса — бизнинг бобоколонимиз. Унинг кичик невараси — яъни ҳикоялар қаҳрамони болаларники эмас, ҳаммамизники.

Демак, бу асар ҳаммага мўлжалланган. БУХОРОИ ШАРИФНИНГ 2500 ЙИЛЛИК ТЎЙИДА Кичкина Хўжа Насриддин ҳам иштирок этади...

Алқисса, Ҳайдар бобо билан набираси Кичкина Хўжа Насриддин Минораи — Калон биқинига етиб келганида тонг ота бошлаганди. Қуёш нурлари мадрасаи-мачит безакларини астойдил ёритарди. Бу пайтда шаҳар аҳолиси тор кўчаларда ғимирлаб қолганди.

Кичкина Хўжа Насриддин шошиб, бир-бирига қарамай бораётган одамлардан кўз узмас, булар қаёққа бораяпти деган хаёл билан уларга бирма-бир тикиларди. Аксинча йўловчилар ҳам каллаи-азонда минора атрофида пайдо бўлган чол билан болага анграйиб қарарди.

— Булар кимлар? — сўради бобосидан Кичкина Хўжа Насриддин. — Ўзимизнинг қадимий бухороликлармми?

— Ким буларди, — жавоб берди Ҳайдар бобо. — Ҳаммаси Бухоро фуқароси. Қадимгиси ҳам, янгиси ҳам аралашиб кеттан.

— Кўриб турибман, — деди Кичкина Хўжа Насриддин. — Бариси бузоғини йўқотган одамдек тумшайиб, ёнимиздан ўтиб кетаяпти. Буларда на салом бор, на алик.

— Бизни танимайди-да, болам.

— Ие, — ҳайратланди Кичкина Хўжа Насриддин. — Танимаса салом бермайдими?

Кичкина Хўжа Насриддин бобосининг яктагидан тортди.

— Яна нималарни ўйлаб кетдийиз, бобожон?

— Болам, қариганингда ўй-фикрли бўлиб қоларкансан.

— Кўп ўйлайверманг, — деди Кичкина Хўжа Насриддин, — қариб қоласиз.

— Бундан ортиқ қанақа қарий. Мана, сенинг эсон-омон туғилганингни кўрдим. Буёғи асосий уйим ҳам тез-тез кўзимга кўриниб туради.

— Асосий уйиз қаёқда, бобожон? Отам билан бирга яшамаяпсизми?

— Қариб, куни битганларнинг яна битта уйи бўлади. Уни ҳеч ким тортиб ололмайди. Иззат-ҳурмат билан обориб қўйиб келишади.

— Яхши ният қилинг, — деди Кичкина Хўжа Насриддин. — Келишим билан топган гапиййззи қаранг. Шошган одамлар асосий уйига кетаверсин.

— Айёну гап-да, болам. Барибир бир кун «бобожон» деб йиғлашингга тўғри келади.

— Мен йиғлаш учун эмас, кулиш учун келганман бу дунёга, бобожон.

— Унда кулдириб ўлдирар экансан-да.

— Бу дунёдан тўйиб-тўйиб кулиб кетсайиз ёмонми?

Ҳайдар бобо бу дунёдан тўйдик, демоқчи бўлди-ю, неварасининг кўзларига тикилиб, шу неварам учун яшаганим бўлсин, деб қоматини ростлади. Кичкина Хўжа Насриддин Минораи Калонга тикилганича гапни бошқа ёққа бурди.

— Бобожон, Минора тепасида бир пайтлар лайлак уяси бўлармиди? Ҳалитдан бери тикиламан, кўзимга кўринмаяпти.

Ҳайдар бобо неварасининг бошини силади. Кейин чуқур хўрсинди.

— Эсингда турган экан, болам, тўғри пайқадинг. Бир пайтлар фақат Минора тепасида эмас, Бухоронинг ҳар бир гумбазида лайлак уяси бўларди. Ҳозир сийраклашиб кетди.

Унинг сўзини Кичкина Хўжа Насриддин бўлди.

— Бобожон, Амиризга ўхшаб, лайлаклар ҳам Бухорои Шарифни ташлаб кетибди-да. Яхшиям Бухоронинг ўзи кўчиб кетмабди.

— Шундай, шундай, — ғудранди Ҳайдар бобо. — Сен айтгандек бир пайтлар одам одамга эл эди. Бухорои Шариф фариштали шаҳар эди. Одамлари-чи, одамлари. Бай-бай. Мана энди қаққайган миноралар, масчиту-мадрасалар қолди. Одамларнинг аҳволини мана ўтган кетгандан кўрдинг. Барчаси ичимдагини топ, дейди.

Невараси Бухорои Шариф кўчиб кетмабди, деди. Ҳайдар бобо у кунларни эсласа, юраги орқага тортиб кетади. Бу кўриб тургани Бухоронинг сурати-ку. Бу қадим шаҳарда не-не кошоналар бор эди. Ҳовузлари лиқ тўла сув эди. Қани ўша ҳовузлар... Шаҳарга ўхшаб одамлари беозор, содда эди. Умуман, бу дунёда беозорга кун йўқ экан. Ё тавба, кейинги пайтда қадами қуруқлар кўп туғилдими, ё одамлардан ният қайтдими, ҳаммаёқ бирдан қуриди-кетди. Кўрган-билганларининг қайси бирини неварасига айтсин. Айтаман деса, эшитганидан кўргани кўп. Юраги тўлиб-тошиб ётибди.

Кичкина Хўжа Насриддиннинг ҳафсаласи пир бўлди. Бобосидан узун-юлуқ жавоб олавергач, очиғи ғаши келди. Ҳайдар бобо бўлса неварасига юрагини бўшатишни ўзига эп кўрмади. Яшаб кўрсин, аста-секин ҳаммасини билиб олади, деди-ю, бор-йўғи икки мисрадан иборат қўшиғини хиргойи қилди.

Емас эдим косанинг қаймоғини,
Зор бўлдим гуппининг айронига.

Ҳайдар бобо ўзи ёлғиз қолганида шу қўшиқни такрор-такрор айтар, шу билан юрагини бироз бўшатар эди.

— Юринг, Тоқи Заргаронга борайлик. Онамга битта узук харид қилайлик. Бечора онагинамнинг бармоқларида ҳеч вақо йўқ экан. Бу дунёга ўзи нима учун келдим. Олдин онажонимни хурсанд қилишим керак.

— Мана энди биринчи ўғил ўзийиз. Олиб берасиз-да, — жавоб берди Ҳайдар бобо. У шундай деди-ю, яктагининг чўнтагини ковлади, бироқ бўшашиб, қўлини тортди.

Кичкина Хўжа Насриддин, буни деярли пайқамади. У ҳамон сўзида давом этарди.

— Бобожон, анави менинг киндигимни кесган аёлнинг бармоқларини кўрдийизми.

— Ҳа, ҳа, — деди бобо.

— Қаёқдан кўрдийиз. Сиз у пайтда менинг ёнимда эмас эдингиз-ку, — деди Кичкина Хўжа Насриддин.

Ҳайдар бобо жим бўлиб қолди.

— Ўша хотиннинг бармоқларида тўртта узуги бор экан. Биттасини суғуриб олай дедиму, яна гап кўпаймасин дедим-да. Кимсан, Кичкина Хўжа Насриддин бўлсам.

— Тўғри қилибсан, — деди Ҳайдар бобо. — Бундай пайтда назарингизни баланд қилинг.

Кичкина Хўжа Насриддин тушунтира кетди.

— Ҳайрон қолдим, бобожон. Туққан одамда ҳеч вақо йўғу, киндик кесадиганда шунча узук. Бўйнидаям алланималар бор эди.

— Э, нимасини айтасан болам. Ҳозир экканники эмас, текканники бўлиб кетди. Киндигингни ўраб олиб қочмаганига хурсанд бўлсанг-чи.

— Киндигимни?!

— Ҳа, қўлга илинган нарсадан қуруқ қолишармиди.

— Нима, бу одамлар қўлга илинган нарсани юлиб кетишаверадими?

—Энди бохабар бўлиб юрасанда, болам...

Улар Тоқи Заргаронга рўпара бўлганида Кичкина Хўжа Насриддин тўхтаб қолди.

— Бобожон, мени қаерга олиб бораяпсиз?

— Ҳа, мана шу тоқи Заргарон бўлади-да, болам.

— Бунинг атрофидаги расталар қани?

— Қанақа расталар?

Ҳайдар бобо ён-верига қараб олди.

— Мана бу ерда тим, тимнинг икки томонида расталар бўлғувчи эди. Мана бу ерда бешиксозлик бўларди. Ҳеч нарса қолмабди-ку. Улар қаёққа кетди.

Ростини айтганда, Ҳайдар бобо Тоқи Заргарон деган жойни биларди-ю, яқин орада бу ердан ўтмаганди. Ҳатто билганларини ҳам аллақачон унутиб юборганди.

Кичкина Хўжа Насриддин қадамба-қадам юриб, раста, тим ўрнини кўрсатди.

Ҳайдар бобонинг кўз олдига невараси айтган жойлар бирин-кетин келабошлади.

— Бобожон, бу жойларни ким бузиб ташлади? — сўради Кичкина Хўжа Насриддин.

— Замона.

— Сиз қаерда эдингиз, бобо. Ҳаммасига қараб турвердингизми?

Ҳайдар бобо чеккасини қашиди.

Невараси ўзига торттанга ўхшайди. Ўзиям тагли-тугли одамнинг боласи эмасмиди. Шаҳарни қўш қўллаб топширганлар элнинг ғайратини ҳам, инон ихтиёрини ҳам топширди. Ғайрати ўлган одамда фаришта нима қилсин. Бечора келини ҳам зоту-зурриётли одамнинг набираси. Шундай бўлгач, асил бола туғилади-да. У ер остидан набирасига разм солди. Қомати келишган, пешонаси дўнг, ақл-фаросати жойида. Агар шунга ўхшаш уч-тўртта набираси бўлганида эди катта бўлишганида зурриёд тозаланармиди. Ахир, уруғ ҳам тоза жойга экилади-да. Насли-насаби бузилган одамда фаришта нима қилсин.

— Болам!

— Лаббай, бобожон!

— Лаббай деган тилингдан, болам. Отанг бечора ҳам қачон келади, деб йўлимизга кўз тикиб ўтиргандир.

— Онам-чи, онам?..

— Албатта олдин онайиздан хабар оламиз. Унга иссиқ овқат олиб боришимиз керак. Бобо-набира бадар кетди деб хафа бўлмайдими.

— Бобожон, — деди Хўжа Насриддин, — узукни қаёқдан оламиз?

— Бир иложини қиламиз, — деди Ҳайдар бобо. — Бувимнинг сандиғидан бирор нарса топилар. Отанг ҳам қараб турмас.

Шапкали қоровул уларнинг гап-сўзига анграйиб турди. Иккаласига яна бошдан оёқ тикилди.

Кичкина Хўжа Насриддин майли деганича келган изига қайтиб Минораи Калон томон югургилади.

Ҳайдар бобо чопиб бораётган неварасидан сўради.

— Қаёққа, болам?

— Миноранинг тепасига чиқаман, бобожон.

— Тўхта, шошма, — бобоси қадамини тезлатди.

Шапкали қоровул бўлса улар кетидан ҳуштагини чуриллатганича оёғини тапиллатиб қараб қолди...

ШАНБА ГУРУНГИ

Таълим тизими ислоҳоти

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ-БОҒЧА

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мактабгача тарбия муассасалари негизида ташкил этилган янги турдаги ўқув муассасалари шу жумлага киради. Бугунги кунда мамлакатимизда элликта ана шундай янги турдаги ўқув муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўнтаси пойтахтимиз Тошкент шаҳрида жойлашган. Сирғали туманида Халқ таълими бўлимига қарашли «Бошланғич мактаб-боғча» мажмуаси ана шундай ўзига хос тарбия масканлари жумласига киради. Мактаб-боғча яратилиши тарихи ҳақида директор Ҳамид ака Хожихонов шундай ҳикоя қиладилар:

— Мактабгача тарбия билан бошланғич синф ўқувчилари билим олишини ўзаро узвий равишда олиб бориш мақсадида мана шундай хайрли ишга давлат мезонлари асосида қўл урилди. Албатта, давлатимизнинг таълим тизимига оид миллий дастури ҳали пишиқлаштириш жараёнида. Бу борада мактаб-боғчалар ҳам, менимча, яхши синовдан ўтаётир.

Қолаверса, 1995 йил Сирғали туман халқ таълими бўлими ҳамда «Узиккиламчи рангли металл» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви билан ҳамкорликда Сирғали тумани ҳокимининг бевосита ҳайриҳоҳлиги билан бизнинг бошланғич мактаб-боғчамиз юзага келди. Бизлар шу тариқа 1995 йил октябрь ойидан ўз фаолиятимизни бошладик. Мажмуимизда ўтган қисқа фурсатда айтишга арзигулик ютуқларга эришдик. Хусусан, бу борада нафақат ўқитувчилар, балки тарбияланувчи-ўқувчилар ҳам муайян танлов асосида қабул қилингани фаолиятимизнинг самарали бўлишини таъминламоқда.

Аввало, ўқитувчилар мактаб-боғчамизга танлов асосида муайян тест синовлардан ўтганидан кейингина қабул қилинади. Қолаверса, ҳар бир тарбиячи ва ўқитувчининг фаолияти мактаб-боғчамиз маъмурияти билан бир қаторда ота-оналарнинг ҳам мунтазам назорати остида бўлади.

Ҳозирги кунда мажмуамизда еттита синф мавжуд. Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларининг раҳбарлари, Фарғона, Сирдарё, Жиззах вилоятидан вакиллар, ҳаттоки Сеул дорилфунунининг ходимлари ҳам жамоамизнинг иш фаолиятини ўрганиб, ижобий баҳолаб кетишди. Тартиб шундайки, мажмуамизга эрталаб соат ўн бештакам саккизда келган болалар кечгача бўладилар. Албатта, биз уларни зериктириб қўймасликка интиламиз. Баркамол инсон бўлиб етишишлари учун мажмуамизда кўпгина шарт-шароитлар мавжуд. Аввало, ҳар бир синфдаги ўқувчиларнинг сони йигирматадан ошмайди. Кун тартибини қисқача айтадиган бўлсам, ҳар куни дарс бошланишидан ўн дақиқа олдин жисмоний машқлар ўтказилади. Бир соат ўқиганларидан кейин нонушта қиладилар. Соат ўн бирда шифобахш гиёҳларнинг қайнатмаларидан ичишади. Ўн икки яримда тушлик овқат. Бирдан учгача дам оладилар. Дам олиш соатлари тугагач, қизиқишларига кўра, тўгаракларда шуғулланадилар. Хусусан, ақлли машиналар, ритмика, шахмат-шашка, миллий рақс каби тўгараклар мажмуамиз қошида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мактаб-боғчамизда таълимнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири ўқувчиларимиз сумка-портфель кўтариб юрмайдилар. Мажмуамизнинг ўзида ҳамма шарт-шароит мавжуд. Керак бўлса, дарсларини, яъни уй вазифаларини шу ернинг ўзида тайёрлаб, эртасига дарсга тайёр бўлиб келадилар. Энг асосийси биринчи синфдан бошлаб болаларни портфель кўтаришдан озод қилганмиз.

Мажмуамиздаги янгиликлардан яна бири 1996 йил январдан ўн балли баҳолаш тизимига ўтганмиз. Чунки беш балли баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Тўғри, ўн балл оладиган ўқувчилар бармоқ билан санарли. Олдин амалда бўлган тизимга кўра деярли ҳамма ўқувчиларимиз беш балл олишлари мумкин. Бироқ ўн балл олишнинг ўзи бўлмайди. Бу билан ўқувчиларимиз билими керакли савияда эмас экан-да, деган тасаввур пайдо бўлмаслиги керак. Аксинча, бундай баҳолаш тизими ўқувчиларнинг билими яна ҳам теранроқ бўлишини таъминлашда ўзига хос йўл ҳисобланади.

— Ҳамид ака, адашмасам ҳар бир мактаб-боғча муайян таълим соҳасига йўналтирилган бўлади. Бундай мажмуаларни ташкил этишдан мақсад ҳам болаларни муайян соҳа бўйича чуқур билимга эга мутахассислар бўлиб етишишларини таъминлашдан иборат.

— Албатта. Бизнинг мактаб-боғчамизда болалар инглиз тили ва электрон ҳисоблаш машиналарини пухта ўрганадилар. Биринчи синфданоқ ўқувчиларимиз ҳафтасига икки соат инглиз тилини ўргансалар, бир соат компьютер асосларини ўзлаштириш билан машғул бўладилар. Бу борада биз Тошкент шаҳридаги 40-лицей ўқитувчиси Турғун Азларов билан ижодий ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Хусусан, Т. Азларов бошланғич синфлар учун яратган ЭҲМ дастурларидан фойдаланаяпмиз. Ниятимиз электрон компьютерларнинг такомиллашган янги намуналари асосларини ҳам ўқувчиларимиз пухта эгаллашларига ҳаракат қилаяпмиз. Биз шу мақсадда IBM компьютерларини харид қилишни мўлжаллаяпмиз. Насиб қилса, шу ниятимиз амалга ошиши арафасида. Қолаверса, кези келганда таъкидлаш керак, мажмуамиз учун зарур воситаларнинг ҳаммасини «Узиккиламчирангли металл» ҳиссадорлик жамияти таъминлайди. Бу бизни оталиққа олган ташкилот ҳисобланади. Шунингдек ўқитувчиларимиз ва мураббийларимиз маошларининг 120 фоизини туман халқ таълими бўлими ва қолган саксон фоизини «Узиккиламчирангли металл» ҳиссадорлик жамияти ўз ҳисобидан тўлаб келаётир.

— Демак, республикамизда мана шундай мактаб-боғчалар сонини янада кўпайтириш мумкин экан-да.

— Бемалол кўпайтириш мумкин. Худога шукур, мустақил бўлганимиздан кейин юзага келган кўплаб иқтисодий бақувват корхоналар, ташкилотлар, завод-фабрикалар қошида мана шундай мактаб-боғчаларни ташкил қилиш мумкин, қилиш керак ва даркор ҳам. Юртбошимиз бекорга жон куйдириб, келажак авлодга эътиборни кучайтириш керак, деб таъкидлаётганлари йўқ. Бизлар ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялай олсаккина, улар буюк Узбекистонни вужудга келтиришлари мумкин.

Бундай ишлар албатта, муайян миқдордаги маблағ сарфлашни талаб этади. Бизнинг мактаб-боғчамиз учун ўтган йили тўрт миллион сўмдан зиёд маблағ сарф бўлди. Бу йилгиси олти миллион атрофида бўлиши кутилаяпти. Мана шу сарф-харажатларнинг ҳаммасини «Узиккиламчирангли металл» ҳиссадорлик жамияти зиммасига олиб келаяпти. Ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Муҳаммадали Қамбаралиевич Эргашевнинг мактаб-боғчамизга кўрсатаётган ҳайриҳоҳлиги, оталарча ғамхўрлигини алоҳида таъкидлаб, кези келганда жамоамиз номидан унга бўлган миннатдорчилигимизни ҳам билдириб қўймоқчиман.

А. ПАРДАЕВ
суҳбатлашди.

ҲАДИСЛАР

☒ Қўшнингга яхшилик қил, — тинч бўласан.

☒ Ўзинг суйган нарсани одамларга ҳам раво кўр — саломат юрасан.

☒ Кўп кулма. Кўп кулги дилни ўлдиради.

☒ Тангри наздида уйларнинг яхшироғи — етимлар иззат қилинадиган уйдир.

☒ Ким кимни яхши (дўст тутса) севгисини билдириб қўйсин.

☒ Савобли иш қилганингда хурсанд бўлсанг, гуноҳ иш қилганингда хафа бўлсанг, демак сен ҳақиқий мўминдирсан.

Қўйлиқ бозори

«Фил суриб, от ўйнатиб»

ШАХМАТ ТАРИХИ САҲИФАЛАРИДАН

М. Муҳиддинов таҳрири остида

Шундай қилиб, тўртта чорак финалнинг бирортасида ҳам мусобақа низомида белгиланган ўн партия ўйналмади. Бу олишувлар ниҳоятда кескин ўтганидан далолатдир. Чорак финаллар бошланиши арафасида билдирилган фикр-мулоҳазалар тўлалигича тасдиқдан ўтди: Петросян, Корчной, Ларсен ва Фишер курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Халифа Ҳорун ар Рашид аъёнларини тўплаб:

— Бутун мамлакат, барча фуқаро огоҳ бўлсинки, мен инсон саломатлиги учун энг керак нарса нима эканлигини айтиб бера олган кимсага юқори мартаба, керагича олтин ҳадя этишга ваъда қиламан, — дебди. Чопарлар чор атрофга от солибдилар, фармони олийни ҳаммага етказибдилар. Тез орада Бағдодда тиббиётдан хабари борлардан тўрт минг нафари тўпланибди. Улар ўз ораларида 400 киши сайлабдилар. Кейин 400 тадан 40 та, сўнг эса тўртта энг зўр табиб саралаб олинибди.

Халифа бу тўрт сара ҳакимни ҳузурига чақириб: ҳўш, ким нима дейди? — дея уларга қулоқ солибди. Ҳакимларнинг бири у дебди, бири бу дебди, учинчиси яна бир нарсани айтибди, Ниҳоят, сўз навбати тўртинчисига келибди:

— Инсон саломатлиги учун, — дебди у, — энг зарур, энг фойдали нарса овқатни камроқ тановул қилишдир, оламтанноҳ!

Улоқ шунда кетган экан. Шахмат «тожи» ҳам битта. Бинобарин, у минглаб манман деган уста шахматчилардан биттасига тегади. Ўша пайтдаги «тождор» Борис Спасский эди. Лекин шахмат шоҳи «тахт» ворисини ўзи белгилай олмаслиги қизиқ. Ворис, худди юқоридагидек, ҳалол баҳсда сараланади. Тўртта зўр: Тигран Петросян, Виктор Корчной, Роберт Фишер, Бент Ларсенлар галдаги жангга шай турардилар.

> *Шахмат чемпионлиги унвони бир шахсгагина тегишли эмас, у бутун шахмат аҳлининг мулкидир.*
>
> А. Карпов, жаҳон чемпиони.

Эркин Воҳидов бир шеърида шундай ёзади:

«Гўзаллик нафосат, кураш ва санъат,
Шеър ила шахматга азалий удум».

Ҳа, шахматчи ҳам ижод қилади. Шоирга хос фазилатлар билан бирга у воқеаларни ниҳоятда зудлик билан чамалаши даркор: зеро ўйин маълум вақт билан чегараланган. Бунинг устига рақиби эркин ижод қилишга тиш-тирноғи билан қаршилик қилиб туришини айтинг.

Тож талабгорлари қилич ушлаши, қалқон тутиш «қанақалигини яхши» биладилар. Ҳамма гап бўлажак жангга қай даражада шай эканликларида қолган. Натижа шунга боғлиқ эди.

1959 йилги Цюрих турнирида Барча — Фишер ўйини давом этарди. Тахтада аслида дуранг вазият содир бўлганлигига қарамай, Фишер совуққонлик билан ютиш йўлини қидиради. Орадан анчагина вақт ўтгач, гроссмейстер Барцо ва ҳакамлар безовта бўла бошладилар: вақтлари бекорга ўтаётганига ачинардилар-да. Ниҳоят, Фишер дурангга рози бўлди.

— Ўйинни кўриб чиқсак-чи? — деди америкалик успирин шошиб-пишиб.

Жони ҳалқумига келган Барцо:

— Бугун шахматга росаям тўйиб олдим, — деди зарда билан.

Ҳафсаласи пир бўлган Фишер довдираб, ҳайронлик билан венгриялик рақибига қараганича серрайиб туриб қолди, лекин Барцо турнир залидан чиқиб кетаётганида у орқасидан югурди ва етиб олгач, сўради:

— Гроссмейстер, гроссмейстер, айтинг-чи, дебютни қандай ўйнадим?

Унинг шахматга бўлган муҳаббати ана шундай бошланган...

Қуйидаги вазиятларнинг барчасида оқлар бошлаб 4 юришда мот қилади.



Хандалар

Шифокор олдига қулоқлари куйган мижоз келди.

— Нима бўлди, — сўради шифокор.

— Биласизми, мен телевизорда футбол ўйинини томоша қилиб ўтиргандим, хотиним эса кийимларни дазмоллаётган эди. У дазмолни телефон қутисининг олдига қўйиб кетибди. Шу маҳал телефон жиринглаб қолди. Мен телефон трубкасини олиш ўрнига қизиган дазмолни қулоғимга олиб берибман.

Шифокор тушунган бўлиб бошини қимирлатибдида, сўрабди:

